# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 28 (8.918) * 1997 йил * 7 март, жума * Сотувда эркин нархда


# ТОШКЕНТ ТАЖРИБАСИ КЕНГ ЁЙИЛАДИ

***Мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий жиҳатдан пухта ҳимоя қилиш ислоҳотлар жараёнининг муҳим йўналишига айланди. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан бу борада кенг кўламли дастур амалга оширилмоқда.***

Жумладан, одамларни уй-жой билан таъминлаш ва бунга давлат томонидан кўмаклашиш тўғрисида махсус Фармон ва қарор қабул қилинди. Бу Ўзбекистонда ўтказилаётган инсонпарвар сиёсатнинг ёрқин кўринишларидан бири бўлди.

Ана шу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ пойтахтда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Хиёбон ва кўчалар ўзгача файз касб этди.

Аҳолининг жамғарма маблағлари иштирокида уй-жой қуриш тажрибаси пайдо бўлди. Бир йилдаёқ 216 оила шу йўл билан уйли бўлди. Бу йил эса 3000 та квартира қурилади. Муҳими, бу янгилик одамларда қизиқиш уйғотди. Инсон манфаатларини таъминлаш борасидаги ишлар устувор вазифа, деб белгиланган жорий йилда бу тажрибани кенг ёйиш эҳтиёжи туғилди.

6 март куни Вазирлар Маҳкамасида ана шу уй-жой қурилиши борасидаги Тошкент шаҳри тажрибасини республика миқёсида оммалаштириш масаласига бағишланган йиғилиш бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов бошқарди. Мажлисда Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, шаҳар ҳокимлари, тегишли вазирлик, корпорация, уюшма, банк, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисда таъкидландики, мустақиллик йилларида халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш борасида ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, бир миллиондан зиёд оила шахсий уй қуриш учун ер олди. Уй-жой фонди тўла хусусийлаштирилиб, юртдошларимизнинг ҳақиқий мулкига айлантирилди.

Аҳолини уй-жой билан таъминлашда, айниқса, Тошкент тажрибаси эътиборга лойиқдир. Республика Президентининг «Тошкент шаҳридаги уй-жой қурилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонини бажариш асосида пойтахтда «Тошкентуйжойжамғармабанк» ташкил этилди.

Тажрибанинг ўзига хос жиҳати шундаки, аҳоли учун қуриладиган уйлар қийматининг 50 фоизи давлат бюджетидан қопланади, қолган қисмига эса аҳолининг маблағлари жалб этилади. Уларга бир қанча, хусусан, солиқ тўлаш борасида катта имтиёзлар берилади. Бу эски тузумдан қолган боқимандалик кайфиятига барҳам бериш, одамлар қўлидаги пулни ҳаракатга келтириш, муҳими — аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, шаҳарларимизни янада ободонлаштиришга имкон беради. Шу маънода, Тошкент тажрибаси мамлакат миқёсида қўллашга муносибдир.

Республика Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Б. Ҳамидов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов, «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси раиси Т. Зокиров, «Тошкентуйжойжамғармабанки» бошқаруви раиси Т. Азимов мажлис кун тартибидаги масала юзасидан ахборот бердилар. Улар Тошкент тажрибасининг афзалликлари, уни янада такомиллаштириш борасида қилиниши лозим бўлган ишлар хусусида тўхталдилар. Бир қанча вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари, шаҳар ҳокимлари мазкур тажрибани республика миқёсида жорий этиш зарурлигини таъкидладилар. Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов мажлисда сўзга чиқиб, Тошкент тажрибасини қўллаш бўйича вилоят ва шаҳар ҳокимлари олдида турган вазифалар тўғрисида гапирдилар.

Мажлисда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Қ. Обидов, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

*(ЎзА).*

*Анжуманлар*

# ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ФАОЛ КУЧЛАРИ

БУГУН

***Тошкентда Ўзбекистон хотин-қизларининг биринчи анжумани иш бошлади. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдураҳимова мухбиримиз билан суҳбатда ушбу анжуманнинг аҳамиятини қуйидагича шарҳлаб берди:***

— Ўзбекистон хотин-қизларининг биринчи конференцияси давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ўтказилмоқда. Унда мамлакатимиз хотин-қизларининг ўтган беш йилдаги фаолияти сарҳисоб қилинади, янги режалар ва вазифалар белгилаб олинади.

Истиқлол хотин-қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мисли кўрилмаган даражага кўтарганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бунда Ўзбекистон Республика Президенти Ислом Каримовнинг хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ролини ошириш тўғрисидаги тарихий Фармони улкан аҳамиятга эга бўлди.

Янги ҳуқуқий мақомга эга бўлган хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини кучайтириб юбордилар. Бугунги кунда улар сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида фаоллик кўрсатаяптилар.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси жаҳоннинг турли мамлакатларидаги дугоналари билан мустаҳкам алоқа ўрнатмоқда. Аёлларимиз турли халқаро анжуманларда мустақил давлат вакиллари сифатида иштирок этяптилар.

Бозор муносабатлари шаклланаётган бугунги кунда опа-сингилларимиз ўзларининг тадбиркорлик салоҳияти ва истеъдодини тўла намоён этмоқдалар. Бунинг исботи сифатида биргина Тошкент шаҳрида 750 тадан кўпроқ тадбиркорлик тузилмасига аёллар раҳбарлик қилаётганлигини айтиш кифоя. «Тадбиркор аёл» уюшмаси эса янги-янги ишбилармон опа-сингилларимизга яқиндан амалий ёрдам кўрсатяпти.

Хотин-қизлар қўмиталари маънавиятни юксалтириш ҳаракатида ҳам ташаббускор бўлмоқдалар. Уларнинг меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда ўтказилаётган қизиқарли тадбирлари хотин-қизларни юксак маънавий руҳда тарбиялашга хизмат қиляпти.

Бугун иш бошлаган анжуман олдидан барча хотин-қизлар қўмиталарида ҳисобот-сайлов йиғилиш ва конференциялари бўлиб ўтди. Уларда ҳисобот давридаги фаолият таҳлил қилиб чиқилди, янги, янада улкан ва масъулиятлироқ вазифалар белгилаб олинди. Бугунги конференция ҳам хотин-қизларимизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларни янада кучайтиришда фаолликларини оширишга хизмат қилиши шубҳасиздир.

*(Газетанинг учинчи бетида хотин-қизларимизга бағишланган анъанавий «Тошкент аёллари» саҳифаси берилятпи).*

*Фармон ва ижро*

# УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ: ТАЖРИБА ВА ИСТИҚБОЛ



***Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳридаги уй-жой қурилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Тошуйжойжамғармабанк» давлат-акционерлик уй-жой жамғарма банкини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида»ги қарори чиққанидан сўнг орадан бир йилдан сал кўпроқ вақт ўтди. Тошкент шаҳри ҳокими Козим ТЎЛАГАНОВ бу ҳужжатлар бўйича қандай ишлар амалга оширилгани, ҳозир нималар қилинаётгани ҳамда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш истиқболлари ҳақида сўзлаб берди.***

— Президентимиз Ислом Каримовнинг меҳнат аҳли манфаатлари тўғрисида, тошкентликларнинг турмуш шароитини яхшилаш ҳақида катта ғамхўрлик акс этган мазкур Фармони ва республика ҳукуматининг қарорига асосланиб, шаҳар ҳокимлиги ва «Тошуйжойжамғармабанк» ўтган йили аҳолининг ортиқча маблағини уй-жой қурилишига жалб этиш юзасидан собитқадамлик билан ташкилий ва оммавий тушунтириш ишларини олиб борди ва бу ишлар сезиларли натижа берди.

Шаҳарда аҳолига уй-жой қурилишини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини тушунтириш учун телевидение орқали махсус кўрсатувлар тайёрланди, газеталар саҳифаларида мақолалар эълон қилинди, маҳалла қўмиталарида учрашув ва суҳбатлар ўтказилди.

Уй-жой қурилишини маблағ билан таъминлаш ва бу ишга кредит ажратиш, пул жамғариш ҳисоб варақаларини юритиш тўғрисида меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди, шунингдек банк акциялари ва уй-жой облигациялари бўйича эмиссия истиқболлари ишлаб чиқилди. «Тошуйжойжамғармабанк» уй-жой қурилиши билан боғлиқ барча банк хизматларини бажаришни ўз зиммасига олди.

«Тошуйжойжамғармабанк» томонидан шу йилнинг 1 январига қадар 2198 жисмоний ва 11 ҳуқуқий шахсга пул жамғариш ҳисоб варақалари очилди. Уларда тўпланган маблағ 348,3 миллион сўмни ташкил этди. Шундан 310,5 миллион сўми банкка нақд пул тарзида ўтказилди. 1560 нафардан ортиқ жисмоний шахс имтиёзли кредит олиш учун зарур бўлган уй-жой облигацияларини харид қилди. Шаҳарда истиқомат қиладиган 862 кишига квартира харид қилиш учун жами 491 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар расмийлаштирилди. Ҳозир уй-жой облигацияларининг дастлабки мажмуини сотиб олган яна 699 нафар тошкентликка кредит бериш билан боғлиқ ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йилда шаҳарда 216 квартирали ўн бешта уй-жой фойдаланишга топширилди. Яна 636 та квартира қурилиши бошланган. Улар шу йилнинг биринчи ярмида фойдаланишга топширилади.

«Тошуйжойжамғармабанк» маблағ билан таъминлайдиган ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимлиги ва пудратчи ташкилотлар билан келишилган 1997 йилги қурилиш дастури 2000 квартирани фойдаланишга топшириш ва 1998 йилда фойдаланишга топшириладиган 1000 квартира қурилишини бошлашни кўзда тутади. Умуман, бу йилги режада уй-жой қурилишига 4552 миллион сўм ҳажмида сармоя солиш кўзда тутилган, шундан 2276 миллион сўм давлат бюджети маблағи ҳисобидан қопланади.

1997 йилга мўлжалланган ишлардан 2488 квартирани «Тошуйжойинвестқурилиш» корпорацияси, 148 квартирани «Ўзсаноатхўжаликқурилиш», 188 квартирани «Ўзагроқурилиш», 128 квартирани «Ўзжамоахўжаликқурилиш», 48 квартирани «ЎртаОсиётрансқурилиш» кучлари билан амалга ошириш кўзда тутилган.

«Тошуйжойжамғармабанк» билан «Ўздавлатсуғурта» уй-жой облигациялари бўйича уй-жой сотиб олишга жисмоний шахсларга бериладиган кредитларни мажбурий тарзда суғурта қилиш тўғрисида шартнома тузган, суғурта тўловлари ставкаси жуда имтиёзли — 0,2 фоиз.

«Тошуйжойжамғармабанк»ни кредит ресурслари билан яхши таъминлаш мақсадида республика Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 19 февралдаги қарори билан «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг меҳнат бўлими «Тошуйжойжамғармабанк» тасарруфига берилган.

Ҳозирги пайтда аҳоли орасида уй-жой қийматининг бир қисмини тўлаб, уй-жой олишга талаб сезиларли даражада ошган. Бунинг асосий сабабларидан бири аҳолининг ортиқча пулини жалб этиб, уй-жой қуришни амалга оширишнинг дастлабки босқичидаги оммавий-тушунтириш ва тарғибот ишларидан ташқари, уй-жойлар шаҳарнинг марказий қисмида қурилаётгани, квартираларнинг яхши режалаштирилгани ҳамдир. Яъни, уйларнинг деворлари асосан пишиқ ғиштдан қурилмоқда. Уй-жойлар қисқа муддатда қурилиб, фойдаланишга топширилаётгани ҳам одамларни қизиқтирмоқда. Чунки бу ҳол уй-жойнинг ҳақиқий қиймати билан боғлиқ бўлган уй-жой облигацияларини сотиш ўртасидаги ҳақиқий нисбатни тенглаштиради.

Аҳолининг дастлабки улуши тайёр квартира қийматининг атиги 10 фоизини ташкил этади. Квартира қийматининг ярми республика бюджети маблағи ҳисобидан қопланади. Қолган 40 фоизига эса ўн йил муддатга имтиёзли кредит берилади.

Пировардида шуни айтмоқчиманки, ҳеч қаерда бундай тажрибани учратмайсиз. Уй-жой қуришдаги бу янги тартибни такомиллаштириш мумкин ва лозим. Лекин яхши ният, инсон манфаатларини кўзлаш — бу ишнинг моҳияти экани ҳаммага равшан бўлмоқда.

*(ЎзА).*

*Наврўз*

# АНЪАНАВИЙ ВА БЕТАКРОР

***Алишер Навоий номидаги миллий боғда иш қизғин. Улкан саҳна қуриляпти. Минглаб ўриндиқлар ўрнатиляпти. Темир устунлар кўкка бўй чўзяпти. Ҳа, миллий байрамимиз — Наврўзи олам шодиёналарига тайёргарлик жадал олиб бориляпти. Ҳар галгидек бу йил ҳам Халқлар Дўстлиги майдони, миллий боғ ҳудуди асрий ўйин-кулгиларнинг маркази бўлади.***

Шаҳар маданият ишлари бош бошқармаси бошлиғи, Наврўз шодиёналарининг бадиий раҳбари ва бош режиссёри, Ўзбекистон халқ артисти Рустам Ҳамидовни ишга кўмилган ҳолатда топдик. У Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш шаҳар штаби бошлиғи, шаҳар ҳокими ўринбосари Шуҳрат Жалилов билан зарур муаммоларни ҳал қилаётган экан. Соҳа мутасаддилари тегишли топшириқ, аниқ режаларни олиб бўлгач, Рустам Ҳамидов озгина фурсатга бўшади.

**— Рустам Муҳсимович, байрам тадориги қизғин бораётган экан... Бу йилги тантаналар ўтган йилдагидан фарқланадими?**

— Эътибор берган бўлсангиз, ҳар йилги тантаналар бир-бирига ўхшамайди, бетакрор. Бу йилгиси ҳам, шундай.

**— Шодиёналар сценарийсини ким ёзди?**

— Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов илтимосимизга йўқ демадилар, раҳмат. Чиройли сценарий ёзиб бердилар. Ишқилиб, уни саҳнада акс эттиролсак — дилбар томоша бўлади.

**— Энди тантана иштирокчилари ҳақида ҳам сўзласангиз...**

— Шаҳримиздаги барча профессионал ижодий жамоалар, гуруҳлар, театрларнинг артистлари, хонандаю раққосалар, Тошкент Давлат маданият ва санъат институтлари талабалари, хореография билим юрти ўқувчилари, курсантлар қатнашадилар. Ҳаваскор бадиий жамоаларнинг ҳам ўзига яраша ўрни, вазифалари бўлади, албатта...

**— Вилоятлардан ҳам санъаткорлар иштирок этишадими?**

— Наврўз — халқимизнинг миллий байрами. Демак уни безайдиган удумлар, расм-русумлар, одатлар, анъаналаримиз бор. Ҳар бир вилоятдаги санъаткорлар, бадиий ҳаваскорлар, фольклор-этнографик дасталар ўзларининг бир-бирига ўхшамайдиган томошалари билан иштирок этадилар. Энг муҳими, халқимизнинг энг ажойиб удумлари, «теша тегмаган» расм-русумларини намойиш этиш ниятидамиз. Бунда фольклор-этнографик дасталарнинг хизматлари катта бўлади. Улар зарралаб йиққан миллий қадриятларимиз Наврўз байрамида ўз аксини топади.

**— Шаҳримизда ўндан зиёд миллий марказлар фаолият кўрсатиб келяпти. Уларнинг иштироклари қандай бўлади?**

— Ҳар сафаргидек миллий марказларга ҳам Наврўз тантаналарида катта ўрин ажратганмиз. Ҳар бир халқнинг ўз миллий удуми, анъаналари мавжуд. Шу куни улар байрамга файз, ажойиб руҳ бахш этади, албатта. Бу сафар Марказий Осиёдаги республикалар — Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистонда Наврўз қандай кутиб олинишини катта саҳнада намойиш этиш режалаштирилган. Юртимизда бир жону бир тан бўлиб яшаётган қардош халқлар фольклор дасталари ижросида бу ниятимиз тўлиқ ифодасини топади, деб ўйлайман.

**— Байрам дастурида куй, қўшиқлар, раққосаларнинг баҳорий либосларига уйғун жаранглайди, албатта...**

— Бу сўзсиз. Ахир Наврўз Навбаҳор байрамику!

**— Томошаларда неча киши иштирок этади?**

— Жами ижрочилар беш минг кишидан ошади. Саҳна ўриндиқлари эса 3-4 минг кишига мўлжалланган.

**— Бундай катта шодиёнага кимлар бош-қош бўлишяпти?**

— Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Носир Отабоев, Ўзбекистон халқ артисти Абдурашид Раҳимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марат Азимов Наврўз шодиёналарининг театрлаштирилган томошаларига масъул. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Шокир Аҳмедов ва Қодир Мўминовлар рақс саҳналарини тайёрлашмоқда. Оммавий саҳналарга эса Эдуард Қолосовский раҳбарлик қилмоқда. Бир гап: бу сафарги байрамда катта мушакбозлик бўлади.

***Шаҳримизни қуёш десак. Наврўз тантаналари, бу ерда бошланиб, худди қуёш нурларидек юртимизнинг барча бурчакларига етиб боради. Шуни тасаввур этган киши Наврўз чинакам халқ байрами эканлигини дилдан ҳис этади.***

*Темур УБАЙДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.*

*Кўриклар*

# «ИЖОДКОРЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ»

***Шаҳар ўқувчилар техник ижодиёти марказида ёшлар ўртасида ижодкорликни янада ошириш мақсадида иқтидорли болаларнинг навбатдаги VI слёти бўлиб ўтди.***

Унда болаларнинг бир қанча шўъбалар бўйича қобилиятлари синовдан ўтди. Хусусан «Бошланғич техник моделлаштириш» шўъбасида модель ва макетлари сифати, ташқи кўриниши, ғоя ёки ишдаги янгилиги, фикрни асосли баён этиш маҳорати ўрганилди. Юнусобод туманидаги 246-ўрта мактаб ўқувчиси Константин Кочетков ўзисузар қайиқ ясаб келгани, тест саволларига жавоб бера олгани учун шўъба ғолиби деб топилди. «Ёш тадбиркор» шўъбасида эса ҳисоб-китоб, иқтисод соҳасидаги чет тилини билиш ва компьютер билан ишлашдан назарий билимлар текширилиб, унда Шайхонтоҳур туманидаги 40-мактаб-гимназия ўқувчиси Козимбек Қосимов биринчи ўринни олди.

«Ёш техник ижодкорлар — республикамиз келажаги» шўъбасида ёш техник ижодкорларнинг ҳозирги замон эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш, саноат ва қурилиш техникаси, астрономия, аэрокосмонавтика, қишлоқ хўжалиги техникаси, фойдали қазилмаларни аниқловчи ва ажратувчи асбоблар, уларни қайта ишловчи жиҳозлар, ҳаво, сув таркибини тозаловчи ускуналар ва бошқа техник йўналишлар бўйича тест саволлари ва моделлар воситасида танлов олиб борилди. Бунда Ҳамза туманидан ўқувчи Темурбек Азизов биринчи ўринни эгаллади. «Келажак лойиҳалари» шўъбасида «XXI аср лойиҳалари» ўрин олган эди. 166-лицей ўқувчиси Михаил Кокарев шўъба ғолиби деб топилди. Унинг «XXI аср чизмаси» юқори баҳоланди.

*Ғайрат АБДУРАҲМОНОВ.*

# БУГУНГИ КУН НАФАСИ

## МАМЛАКАТИМИЗДА

- Вазирлар Маҳкамаси «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» қарор қабул қилди.
- Ўтган куни Бош вазир Ўткир Султонов раислигида XII Тошкент халқаро кинофестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Унда ушбу тадбирга кўрилаётган ҳозирлик юзасидан бир қатор мутасаддиларнинг ахборотлари тингланди.
- Кеча Вазирлар Маҳкамасида пул-кредит сиёсати масалалари бўйича семинар-кенгаш бўлиб ўтди.
- Кеча Тошкентда АҚШ ҳукумати томонидан Навоий кон-металлургия комбинатига грант ажратиш тўғрисидаги битим имзоланди.
- Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан муомалага чиқарилаётган ВИЗА пластик тўлов карточкалари эгаларини суғурта қилиш юзасидан Ўзбекистон — Америка суғурта компанияси ўртасида шартнома имзоланди.
- Асакада бу ерда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун бутловчи қисмлар тайёрлайдиган яна бир — «Ўз-Донг Вон Ко» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси тузилди.
- Бугун Тошкентга Европа Иттифоқи комиссияси делегацияси келади. Бу ташриф давомида республикамизнинг ушбу минтақавий ташкилотга аъзо мамлакатлар билан савдо-сотиқ қилиши масалаларини муҳокама этиш мўлжалланяпти.

## ҲАМДЎСТЛИКДА

- Бугун Москвада Россия ва Белоруссия президентлари Борис Ельцин билан Александр Лукашенко икки давлатни интеграциялаш жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан музокаралар ўтказадилар.
- Кеча Белоруссия Президентининг йиғилишлар, митинглар, кўча намойишлари тўғрисидаги Фармони кучга кирди: Ушбу Фармонни бузганлар эндиликда энг кам иш ҳақининг 300 баравари миқдорида жарима тўлайдиган ёки 15 кунга қамоққа олинадиган бўладилар.
- Грозниййда Италия фотожурналистидан сўнг Россиянинг яна тўрт нафар мухбири номаълум шахслар томонидан ўғирланиб кетилиши муносабати билан Чеченистон маъмурлари бу ердаги барча оммавий ахборот воситалари вакилларини Россия федерал ҳукумати билан тегишли ҳужжатлар имзолангунга қадар республикадан ташқарига чиқаришга қарор қилдилар. Энди Чеченистонга журналистлар фақат маъмурлар томонидан ажратиладиган қўриқчилар ҳамроҳлигида киришлари мумкин бўлади.
- Қозоғистонлик таниқли спортчилар Болғабой Кулпеисев ва Мендибой Олимгазинов Туркистон шаҳридан Маккага йўл олдилар. Улар 7 мамлакат орқали 7000 километр масофани югуриб босиб ўтишни мўлжаллаганлар.

## ХОРИЖДА

- Албания Президенти Сали Белиша ва мамлакатдаги асосий ўн партия етакчилари фуқароларга мурожаат этиб, 48 соат ичида қурол-яроғларини топширишларини илтимос қилдилар. Оммавий ахборот воситалари Албаниянинг жанубий ҳудудларида ҳали ҳам ғалаёнлар давом этаётганлиги, бу ердан дастлабки қочоқлар Италияга келганлигини хабар қилмоқдалар.
- Сўнгги 25 йил ичида биринчи бор КХДР ва Корея Республикаси вакиллари Нью-Йоркда АҚШ воситачилигида бевосита музокараларни бошладилар.
- Корея Президенти Ким Ен Сам коррупцияда айбланиб истеъфога чиқарилган Бош вазир Ли Су Сон ўрнига Сеул шаҳрининг собиқ маъмури, Менжи университети ректори вазифасида ишлаётган Ко Гонни тайинлади.
- Қоҳирада Миср Президенти Ҳусни Муборак Исроил Бош вазири Бениамин Натанияху билан учрашиб, Исроил—Фаластин ўзаро муносабатлари юзасидан фикр айирбошлашди.
- «Толибон» ҳаракати раҳбарияти мамлакат шимоли-ғарбида Бурҳониддин Раббоний қўшинлари бошлаган ҳужум қайтарилганлиги тўғрисида баёнот берди. Ушбу жанглар давомида ҳар икки томондан кўплаб қурбонлар бор.
- Бугун Лозанна шаҳрида бўлиб ўтадиган Халқаро олимпия қўмитаси мажлисида 2004 йил Ёзги олимпиада мезбони бўлиш ҳуқуқи учун курашни давом эттирадиган 5 даъвогар маълум бўлади. Ҳозир бу ҳуқуққа эришиш учун Рим, Афина, Кейптаун, Рио-де-Жанейро, Санкт-Петербург каби жаҳоннинг 11 шаҳри даъвогарлик қиляпти.
- Кеча Лондон марказидаги музейлардан биридан қуролли қароқчилар қиймати 1 миллион доллар деб баҳоланган Пабло Пикассо ижодига мансуб суратни ўғирлаб кетдилар. Англия маъмурлари бу қароқчиларни топишда ёрдам берадиганлар учун катта миқдорда мукофот ваъда қилди.

*Бокс*

# МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИДА ҚАТНАШИШАДИ

Чилонзордаги 8-бокс мактабида 1981—82 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида бокс бўйича Тошкент шаҳар биринчилиги беллашувлари бўлиб ўтди. Мусобақаларда 8-бокс мактаби, «Меҳнат ўринбосарлари», «Динамо» ва касаба уюшмалари жамиятларида спортнинг бу тури билан шуғулланаётган 55 ўсмир ўзаро куч синашди.

42 килограммдан 85 килограммдан ортиқ вазнгача бўлган 15 та вазн тоифалари бўйича баҳсларда қуйидаги ёш боксчилар Тошкент шаҳар чемпиони фахрий унвонини қўлга киритишди: А. Эгамбердиев (8-бокс мактаби), С. Холиқов, Х. Зарипов (иккови касаба уюшмалари жамиятидан), У. Зокиров («Меҳнат ўринбосарлари»), Б. Хидиров, У. Аҳмедов, Р. Азимов, М. Ҳайдаров, З. Алихўжаев, Б. Исматов, С. Еремеев (ҳаммаси 8-бокс мактабидан), С. Аъзамов (касаба уюшмалари), Д. Мирсаматов (8-бокс мактаби), И. Исоқов (8-бокс мактаби) ҳамда В. Данилян («Динамо»), мусобақа совриндорларига нишонлар билан бир қаторда ҳомийлар томонидан ажратилган қимматбаҳо совғалар ҳам топширилди.

Барча ғолиблар март ойининг охирида Фарғона шаҳрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон биринчилигида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

*Дилшод ИСМОИЛ.*

*Конституцияда кафолатланган*

# МУҚАДДАС ВА ДАХЛСИЗ

***1997 — Ўзбекистонда Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинди. Инсон манфаатлари унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари билан чамбарчас боғлиқдир. Жамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қанчалик кенг ҳимоя қилинса, қанчалик кўп кафолатланса, инсон манфаатларига шунчалик мос тушади. «Оқшом» таҳририяти шуларни ҳисобга олган ҳолда аввал хабар қилинганидек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларга оид мақолалар туркумини эълон қилади.***

Инсон ҳуқуқларига оид энг асосий ва умумий қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси II бўлимида ўз ифодасини топган. Шу билан бирга Асосий Қонунимизнинг бошқа бўлим ва бобларида ҳам фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини мустаҳкамловчи меъёрлар мавжуд.

Аввало инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари деганда нима тушунилишига ойдинлик киритайлик. Бу — ҳар бир инсон эга бўлган сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва ҳатто шахсий имкониятлардан иборат бўлиб, бу имкониятларни давлат тан олади ва улар Конституцияда ва бошқа қонунларда мустаҳкамланади.

Конституцияда мустаҳкамланган инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

1. Шахсий ҳуқуқлар ва эркинликлар.
2. Сиёсий ҳуқуқлар.
3. Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар.

Шуни ҳам ёдда тутиш лозимки, жамият ва давлат олдида ҳеч қандай бурчларни адо этмасдан фақат ҳуқуқлардан фойдаланиб юриш мумкин эмас. Фуқаронинг жамият олдида ўз масъулиятини англаш, халқ бахт-саодати учун ҳалол ва виждонан меҳнат қилиш, ўз Ватанини ҳимоя қилиш, Конституция ва қонунларга оғишмай риоя этиш каби юксак ватанпарварлик бурчини тушуниши — унинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг ажралмас қисмидир.

Бурчларни бажариш ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш каби демократиянинг зарур белгисидир. Бугина эмас, интизом ва мустаҳкам жамоат тартиби бўлмаса, демократияни амалга ошириб бўлмайди. Акс ҳолда бу демократия эмас, балки анархия, ўзбошимчалик бўлур эди.

Конституциянинг 93-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир. Ўзбекистонда ташкил этилган барча суд органларининг асосий фаолияти ҳам хусусан инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган.

Ҳозир мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ҳам инсон манфаатлари учун хизмат қилишга даъват этилган.

Конституция ва қонунларимиз инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини тўла-тўкис мустаҳкамлаб ва кафолатлаб берар экан, бу давлатимизнинг демократик моҳиятидан ва жамиятимизнинг инсонпарварлик табиатидан келиб чиқади.

# ЯШАШ ҲУҚУҚИ

Инсон ҳуқуқлари ичида энг улуғи ва муқаддаси унинг яшаш ҳуқуқидир. Конституциянинг 24-моддасида кўрсатилганидек, **«Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир».**

Яшаш ҳуқуқининг муқаддас ва даҳлсиз эканлиги дунёдаги энг биринчи конституциялардаёқ ўз ифодасини топган. Табиий ҳуқуқлар ҳақидаги ғоялар дастлаб XVIII асрда ишлаб чиқилган конституцион ҳужжатларда илк бор расмийлаштирилган эди. Масалан, тарихда инсон ҳуқуқларининг биринчи декларацияси деб номлган 1776 йилги АҚШнинг «Мустақиллик декларацияси»да кишиларнинг яшаш, озодликка, тенгликка, бахт-саодатга интилиш ҳуқуқлари мавжудлиги эътироф этилган. 1789 йилда Францияда қабул қилинган «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси» эса инсоннинг табиий ва муқаддас ҳуқуқлари ҳақидаги декларация ҳисобланади.

Яшаш ҳуқуқининг муқаддаслиги ва дахлсизлиги инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳам диққат марказидадир. Хусусан, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддасида: «Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир» деб, Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактнинг 6-моддасида эса «Ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи унинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан муҳофаза этилади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшаш ҳуқуқидан маҳрум қила олмайди» деб белгиланган.

Улкан тарихий тажрибалардан ҳамда халқаро ҳуқуқнинг юқоридаги инсонпарварлик қоидаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсоннинг яшаш ҳуқуқини узвий ва ажралмас деб эълон қилади ҳамда кафолатлайди. Зеро, Президентимиз ҳам бу «инсоннинг энг устивор муқаддас ҳуқуқи» эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Бизда инсоннинг яшаш ҳуқуқи Асосий қонунда фақат эълон қилинибгина қолмасдан, балки жуда кўп воситалар билан ҳам таъминланади ва кафолатланади.

Биринчидан, Ўзбекистон ва унинг ҳукумати томонидан олиб борилаётган барқарорлик ва тинчликни сақлаш сиёсати инсоннинг яшаш ҳуқуқининг энг муҳим гаровидир. Маълум ва равшанки, Ўзбекистон тинчликни сақлаш, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш, давлатлар ўртасида ҳамкорлик ва бошқа шу каби халқаро ҳуқуқнинг умуминсоний тамойилларига содиқ бўлиб қолмоқда. Шу боис ҳам юртимизда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурмоқда.

Иккинчидан, Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқининг муҳим кафолатларидан яна бири инсон умрини узайтириш, ўлимни камайтириш, қулай ва муносиб турмуш шароитини вужудга келтириш каби мақсадларни назарда тутувчи кучли ижтимоий сиёсат юргизиш ҳисобланади. Бунда аҳолининг ночор қатламларига, болаларга, кўп болали оилаларга ёрдам бериш, аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлаш, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, унинг тозалиги учун кураш олиб бориш давлатимиз олдида турган муҳим вазифалардан қилиб белгиланган. Айнан юқоридаги мақсадларга қаратилган кўпгина қонунлар, қарорлар ва фармонлар мавжуд бўлиб, буларнинг барчаси инсон яшаш ҳуқуқининг чинакам гарови бўлиб хизмат қилади.

Учинчидан, Ўзбекистонда инсоннинг яшаш ҳуқуқи турли қонунлар билан ҳам муҳофаза қилинади. Буларнинг ичида айниқса Ўзбекистон Жиноят Кодекси муҳим ўрин тутади. Унда инсон ҳаётига суиқасд энг оғир жиноят сифатида қаралиб, бунинг учун қаттиқ жазо чоралари ўрнатилган. Масалан, Жиноят Кодексининг 97-моддасига кўра, қасдан одам ўлдирганлик учун 15 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси назарда тутилган. Худди шунингдек, унда урушни тарғиб қилиш (150-м), агрессия (151-м), геноцид (153-м), терроризм (155-м) каби жиноятлар учун ҳам оғир жазолар белгиланган. Чунки бундай жиноятлар ҳам инсонинг яшаш ҳуқуқига тажовуз қилади.

Қонунларимизга биноан, агар инсон ўзи хоҳлаган ва талаб қилган ҳолларда ҳам ҳеч ким уни ҳаётидан маҳрум қилишга ҳақли эмас.

Инсоннинг яшаш ҳуқуқи кафолатларидан яна бири шундаки, бизда 18 ёшга етмаганларга ва аёлларга нисбатан ўлим жазоси қўлланилмайди. Бундан ташқари, Ўзбекистонда ўлим жазосига маҳкум қилинганлар Республика Президентига ўзининг авф этилишини сўраб мурожаат этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Хулоса шуки, яшаш ҳуқуқи ҳар қандай адолатли ва демократик давлатда инсонларга кафолатланган табиий ва муқаддас ҳуқуқ бўлиб, унга нисбатан ҳар қандай тажовуз энг оғир жиноятдир.

*Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,*
*Тошкент Давлат юридик институти катта ўқитувчиси.*



*Маҳмуд Мусақулов асбобсозлик соҳасида етук мутахассис. У олти йилдан бери ихтисослаштирилган таъмирлаш ишлаб чиқариш тажриба корхонасининг марказий базасида меҳнат қилади.*
*СУРАТДА: Маҳмуд Мусақулов иш устида.* *Усмон Усмонов олган сурат.*

*Тадбиркорлик*

# КРЕДИТ ҚАНДАЙ ОЛИНАДИ?

***Ҳозирги вақтда хусусий тадбиркорлар кичик ва ўрта корхоналар лойиҳаларини маблағ билан етарли даражада таъминлаш энг муҳим масаладир. Республика Амалий алоқалар марказида бу соҳада қандай ишлар амалга оширилаётгани билан танишиш мақсадида ушбу марказнинг бизнес-маслаҳатчиси Жасур Ҳакимбоев билан мулоқотда бўлдик.***

— Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, кредит муаммоларига доир иккита семинар ташкил қилдик, — деди у. — Биринчи семинарда кичик ва ўрта корхоналар раҳбарлари халқаро кредит жамғармалари имкониятлари билан танишди. Унинг иштирокчилари Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки, «Кроссроуд» Осиё кредит компанияси, «АБН—амро» банки, Ўзбекистон хусусийлаштириш банкида «Ўзтадбиркорбанк» ва «Турон» банкида кредит олиш шартлари билан батафсил хабардор қилинди.

Ушбу банк муассасаларининг вакиллари кредит олишнинг қабул қилинган меъёрлари, уларнинг миқдори, кредит бериш муддатлари, фоиз ставкалари, шунингдек топширган ҳужжатларни кўриб чиқиш муддатлари тўғрисида муфассал сўзлаб бердилар. Жумладан, Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банкидан Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки орқали юз минг АҚШ долларидан беш миллион долларгача, «АБН-амро» банкидан эса минг доллардан тортиб, чексиз, яъни жуда кўп миқдорда кредит олиш мумкин.

**— Кредит турларига фоиз ставкалари қандай белгиланади ва бу жараён лойиҳаларнинг қайси жиҳатлари кўпроқ инобатга олинади?**

— Юқорида таъкидлаб ўтилганидек кредит олувчи қарзни чекланмаган миқдорда олиши мумкин. Асосий масала у бу пулни лойиҳа бўйича ишлатадими ё йўқми. Бундан ташқари лойиҳанинг қай даражада аниқ аҳамиятга эга эканлигига кўпроқ боғлиқлигидир. Масалан, кредитларнинг айрим турлари учун фоиз ставкалари қатъий белгилаб қўйилган. Баъзи ҳолларда эса фоиз ставкалари ўзгариб туради. Чунки ҳар бир лойиҳада молиявий ишлаб чиқариш, маҳсулотни сотиш борасида қандайдир таваккалчилик бўлиши мумкин. Шу сабабли таваккалчилик оқибатларини юмшатиш ёки ҳомийлар ёрдамида енгиллаштириш мақсадида кредит берувчилар маблағ ажратиш ҳақида қарор қабул қилиш учун лойиҳаларни ҳар томонлама текшириб, таҳлил этишлари зарур бўлади. Лойиҳага доир маълумотлар бўлажак ишлаб чиқариш концепцияси, унинг иқтисодий аҳамияти тўғрисида мумкин қадар тўла маълумотларни ўз ичига олиши мумкин. Шунингдек, бўлажак маҳсулот қиймати, пул билан таъминлаш, уни сотиш усуллари, кутилаётган фойдага оид ҳисоблар ҳамда экологияга зарар етказилмаслиги ҳақида маълумотлар лозим бўлади. Буларнинг барчаси тўғри ва аниқ расмийлаштирилиши керак.

**— Кредит олишда шартнома асосий ҳужжат ҳисобланади. Бунда нимага эътибор бериш керак?**

— Тадбиркорлар лойиҳалари шартнома орқали амалга ошади. Агарда лойиҳа бўйича зарур бўлган технологияга ёки маҳсулотга оид шартнома тузилмаган бўлса, вақтни бой бериш билан бир қаторда пул қадрсизланиши оқибатида чув тушиш мумкин. Шу боис ҳам тадбиркорлар етти ўлчаб бир кесишлари керак. Шундан келиб чиққан ҳолда банк ходимлари шартномаларнинг барча бандларини батафсил таҳлил қилиб чиқишади. Албатта бу масалада бизнинг мутахассисларимиз ҳам ўз ёрдамларини кўрсатадилар.

*Суҳбатдош Очил ҲАЗРАТОВ.*

# ДАМ ОЛИШ ОҚШОМИДА



*Тобора чирой очиб бораётган пойтахтимиз ҳуснига кўпқаватли уйлар, кенг ва равон кўчалар янада ҳусн қўшади. Сиз суратда кўриб турган шаҳримизнинг Юнусобод даҳаси кўриниши бугунги Тошкентнинг янгиланиб бораётган қиёфасини акс эттиради.*

*Рустам Шарипов олган сурат-лавҳа.*

*Таъминот*

# МАҲАЛЛАЛАРДА НАФАҚАЛАР БЕРИЛМОҚДА

***Президентимизнинг «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги Фармони бугунги кунда маҳаллаларда ўзини ўзи бошқариш идоралари томонидан бажарила бошланди. Буни Чилонзор туманидаги 1-Катта Чилонзор маҳалласи мисолида кўриш мумкин.***

Дастлабки иш оилаларнинг моддий шароитига кўра болалар нафақасини тайинлашни белгиловчи комиссия тузишдан бошланди. Унга маҳалланинг бообрў, кўпни кўрган, ҳаёт тажрибасига бой одамлари кирди. Улар болалар нафақасини олиш юзасидан маҳаллага ариза берган оилаларнинг тегишли ҳужжатлари ва моддий аҳволини ўрганишди. Болалар нафақасига муҳтожлик даражаси белгиланган кўрсаткичларга мос тушса, бундай оилага маҳалла бириктирилган Халқ банки бўлимидан пул олиш учун йўлланма берилди. Болалар нафақасига муҳтож деб топилмаган оилалар қайтариб бериш чоғида нафақа берилмаслиги сабаблари битилган тушунтириш қоғози ҳам тарқатилди.

— Маҳалламизда 2900 хонадон бор, — дейди маҳалла оқсоқоли Мажид Магзумов. — Уларнинг асосий қисми маҳаллий миллат вакиллари бўлгани сабаб кўп болали оилалар анчагина. Ҳозиргача 90 га яқин оила январь ойи учун болаларига нафақа олиб бўлишди. уларга жами 39810 сўм сарфланди. Чунончи, 48-уй, 30-хонадонда истиқомат қилувчи Лола Йўлчиева иккита боласига 600 сўм нафақа ола бошлади. Унинг битта фарзанди 16 ёшдан ошган, турмуш ўртоғи иш жойида қисқартиришга тушгани сабаб ҳозирги ишсиз ва бандлик хизматида туради. Бундан ташқари 7-уй, 33-хонадонда яшовчи Салима Исломбекованинг уч фарзандига 840 сўм, 64-уй, 6-хонадон соҳиби Заида Рўзиеванинг тўрт боласига 1050 сўм, 1-уй, 46-хонадонда яшовчи Ирина Смирнованинг икки фарзанди учун 600 сўм нафақа тайинланди. Улар оиланинг умумий даромади жон бошига барча учун бирдай белгиланган 625 сўмга етмаганлардир.

Ҳозирда 1-Катта Чилонзор маҳалласида болалар нафақасини олишга улгурмаганлардан тегишли ҳужжатлар ҳанузгача қабул қилинмоқда. Февраль ойи учун давлат томонидан маҳаллага қўшимча маблағ ажратилди.

*Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.*

*Метро*

# ШУНДАЙ КУН КЕЛАДИ

***Маълумки, ҳозир метронинг Юнусобод йўналишида қизғин ишлар олиб борилмоқда. Бу йўналишнинг ишга тушиши ҳам шубҳасиз метро тарихида катта воқеа бўлади. Ҳамшаҳарларимизнинг транспортга бўлган талаб ва эҳтиёжлари янада тўлароқ қондирилади.***

***Истиқлолимиз метро ҳаётига ҳам катта ижобий ўзгаришлар олиб кирди. Масалан, йирик бекатларнинг Истиқлол, Амир Темур, Ёшлик, Мирзо Улуғбек номлари билан аталиши ҳам ана шу истиқлол шарофатидандир. Бугун эса биз кўп сонли оқшомхонларнинг илтимосларига биноан метронинг Юнусобод йўналиши қурилиши ҳақида айрим лавҳаларни ёритмоқдамиз.***

Кўпдан бери бу йўналишда бунёдкорлик ишлари олиб борилаётганлиги ҳамшаҳарларимизга маълум. Чунки улар қурилишнинг тезроқ тугалланишини кутиб туришибди. Шунинг учун ҳам ер ости қасрининг бу участкасида иш қизғин.

— Юнусобод участкасининг энг катта бекати Абдулла Қодирий номи билан юритилади. Бу бекат «Олой» бозори ҳудудида жойлашади. Йўналишнинг мана шу қисмида кўплаб муҳандислик коммуникациялари, турли иссиқлик қувурлари жойлашган, — дейди «Тошметроқурилиш» тресги бош муҳандиси «Владимир Жданов. — Бу ҳол ер остидан лаҳимлар ўтказиш, тупроқ ишларини бажариш учун маълум қийинчиликлар туғдиради. Лекин шунга қарамай, лаҳимчилар ўз зиммаларига юклатилган вазифани яхши адо этишди. Участкага Борис Мухин бошчилик қилди. Бу гуруҳ тўрт бригадага бўлиниб, уч сменада меҳнат қилди. Кечаю кундуз тинимсиз тер тўкилиши лаҳим ишларининг муддатидан илгари бажарилишига замин яратди. Бу ишда айниқса Йўлдош Азаматов, Ҳасан Сулаймонов, Рашид Зарипов, Искандар Абдуллаевлар ибрат кўрсатиб ишлашди.

Ушбу қурилиш майдонининг гидрогеологик шароити ҳам анча мураккаб. Устига устак биз метро йўлини чуқурроқ қилиб ўтказишни кўзда тутганмиз. Бинобарин метронинг бошқа йўналишларига нисбатан бу йўл ер остининг бирмунча пастроқ қисмида жойлашади.

Ўзингизга маълумки, бу участкада кўприк қурилишининг олиб борилиши ҳам ишларимизни бирмунча орқага суриб юборди. Ҳозир кўчанинг устки транспорт қатнови йўли изга тушди.

Хуллас «Олой» бозори ҳудуди анча тартибга кириб қолади. Бу йил Мустақиллик байрами арафасида метро қатнови ҳам изга тушса бу жой мисли кўрилмаган даражада ўзгариб кетади. Ушбу бекатни Тошкент метро трестига қарашли қурилиш-тиклаш бошқармаси ишчилари бунёд этишмоқда.

Юнусобод йўналишининг биринчи навбати 11 километрлик ер ости йўлини ташкил этади. Ана шу масофада 8 та бекат ишга тушади. Метронинг «Бодомзор» бекатидан



«Ҳабиб Абдуллаев» бекатига томон борадиган йўналишда қурилиш ишлари қийинчилик билан бормоқда. Чунки метро поездлари «Бўзсув» канали ва «Кўнгил очиш боғи» кўли остидан ўтади. Бундай гидрогеологик ҳолатни метросозлар ҳисобга олган ҳолда иш юритишмоқда. Участкада қурилиш ишларини олиб бориш билан боғлиқ бўлган қўшимча лойиҳа ҳам тайёр бўлди. Бу эса канал ва кўл остида тупроқ ишларини бажаришда муҳим аҳамиятга эга.

Янги йўналишдаги барча бунёдкорлик ишлари энг замонавий конструкциялар асосида амалга оширилмоқда. Тикланаётган ҳар бир бекатда йўловчиларга намунали транспорт хизмати кўрсатиш кўзда тутилган. Шунга кўра конструкциялар бўйича тузилган лойиҳаларда бекатларга хизмат қиладиган шамоллатиш камералари юқори қувватли мосламалар билан жиҳозланмоқда. Метронинг энергия юраги бўлиб ҳисобланган электр қуввати станциялари ҳам давр талабига мос ҳолда бунёд этилмоқда.

Йўналишда меҳнат килаётган хизматчилар орасида эскалатор қурилмаси бунёдкорларини ҳам учратасиз. Улар ҳозир гарчи қурилишга тайёргарлик ишларини олиб боришаётган бўлса-да, бекатлардаги вазиятни ҳисобга олиб, лойиҳа ишларига ўзгартишлар, тузатишлар киритишмоқда. Ҳозир метрополитенимизда 26 та эскалатор ишлаб турибди. Йўловчилар оқими гавжум ҳисобланган «Алишер Навоий» бекатида олтита, «Пахтакор»да учта эскалатор тонгги соат олтидан ярим тунгача йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда. Улар ёрдамида бир соатда 8—10 минг киши юқоридан пастга, пастдан юқорига чиқариб қўйиляпти. Бу ҳақда бизга мутахассислар мароқ билан сўзлаб беришди.

Йўналишнинг Шаҳристон участкасида иш бир зум тўхтамаяпти. Бу ерда лаҳим ишлари тугалланиб, навбат пайвандчиларга етиб келди. Уларнинг бекатни бунёд этишга киришганларига анча бўлди. Ҳозир бўлажак қасрнинг устки қисми мустаҳкамланмоқда. Арматура бетонлар бир-бирига уланиб, томли деворлар ҳосил қилинмоқда. Бироқ ушбу участкада ҳам ўзига хос муаммоларга дуч келинмоқда. Айниқса бу бекатнинг Анҳор сувига яқинлиги ва ер ости йўлининг анча чуқурликдан ўтиши метрочилар меҳнатини мураккаблаштирмоқда.

Юнусобод йўналишининг бир қанча бекатларидаги ижобий ишларни кўриб қувондик. Хусусан, «Юнус Ражабий» ва «Лоҳутий» бекатлари анча бўй кўрсатиб қолганлиги бизни хушнуд этди. Шунингдек ҳар бир бекат ўзига хос безакларда безатилаётгани ҳам диққатга сазовордир.

Метрополитенга хизмат кўрсатаётган корхоналар сони кундан кунга ортиб бораётганлиги ибратлидир. Масалан, Ўзбекистон — Швейцария «Вольфсон-Шарқ интерпрайзис» қўшма корхонаси метрополитен учун ностандарт қурилма ва механизмлар ишлаб чиқаришга киришди. Шунингдек, Ўзбекистон Рассомлар уюшмасига қарашли тажриба-ижодий комбинати мутахассислари ташаббуси ҳам мақтовга лойиқ. Улар метро деворларига ишлов беришда қўлланиладиган сополлардан керакли маҳсулотларни тайёрлаб беришмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, метронинг Юнусобод йўналиши қурилишида қатнашаётган бунёдкорлар меҳнати тезроқ бўй кўрсатиб, қулай транспорт воситаси бўлган метро хизматидан юнусободликлар ҳам фойдаланадиган кунлар яқин.

*Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.*

*Луқма*

# БОЛАНИНГ АҚЛИ ЕТСАЮ...

Тунов куни фарзандларимдан бири савол бериб қолди:

— Дада айтинг, қачон биз соф ўзбек тилига ўтамиз?

Ўйланиб жавоб бердим:

— Ўзбек тилига давлат мақоми берилганига 7 йил бўлди. Шу дегани соф ўзбек тилига ўтганимизда.

— Унда нега бўлмаса кўча-кўйда ёзиб қўйилган шиорлар, турли корхоналарнинг ҳужжатли қоғозлари, ҳатто автобус, трамвай, троллейбус чипталарида ярми ўзбекча, ярми русча сўзлар учраб қолади?

— Ҳа энди беш қўл баравар эмасда, болам. Хусусан сен нимани назарда тутяпсан?

У учта чиптани қўлимга тутқазди. Қарасам автобус, трамвай, троллейбуснинг бир марталик йўл чипталари. Улардаги ёзувларга назар сола туриб кўзим пастдаги битикларга тушиб қолди. Чиндан ҳам улар русча сўзлар эди. Вой тавба, бу қанақаси ўзи? Тепасида ўзбекча, пастида русча ёзув битилган бўлса. Ахир бизда ҳали омухта тил пайдо бўлганича йўқ шекилли.

Ҳайрон бўлиб бир фарзандимга, бир ёзувларга қарайман.

— Хўш, бунисига нима дейсиз, — сўрайди у. — Мана қаранг, «Тошшаҳарйўловчитранс. Автобус. Бир мартали йўл чиптаси». Яхши, бу сўзлар ўзбекча ёзилган. Энди унинг тагидаги» «Серия АС—013. АП ТПК-96Г» сўзи ғирт русчаку.

— Тўғри, — дейман унинг фикрини тасдиқлаб.

— Назаримда «Серия АС-013» дегани ўзбекчасига «АС-013 серияли» деб ёзилади. «АП ТПК-96 Г» қисқартма сўзлари аслида «1996 йил — Тошкент полиграфия комбинати, ҳиссадорлик жамияти» деб ёзилиши керак. Агар улар қисқартириб олинса, «1996 йил — ТПК. ҲЖ» деб ёзилади.

Воажаб, ёқамни ушлайман. Наҳот 12 ёшли боланинг ақли етган нарсага ушбу чиптани тайёрлаш учун буюртма берган мутасаддилар ва Тошкент полиграфия комбинати раҳбарларининг зеҳни етмаган бўлса?

*Абдуқаҳҳор МУТАЛОВ.*

